

Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот –
кутубхона маркази
Ахборот –библиография хизмати

**“ТУРИЗМ– ИҚТИСОДИЙ
ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ ”**

Китобхонга эсдалик

Андижон -2023

ТУРИЗМ ИМКОНИАТЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий - маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа. У даромадлилиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, кам ҳаражат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради. Сўнгги бир неча йил ичида юртимизда барча туризм турларини ривожлантириш ва туристик хизматлар экспортини ошириш борасида кўп ишлар қилинди. Ўзбекистон ўзининг географик жойлашуви туфайли туризм учун жуда қулай. Мамлакат Буюк ипак йўлининг марказида турфа маданиятлар, тамаддунлар ва динлар кесишган нуқтада жойлашган. Мамлакатимизда бу соҳа изчил ривожланмоқда. 1995 йилдан эътиборан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) кўмагида Тошкент шаҳрида “Ипак йўлида туризм” халқаро сайёҳлик ярмаркаси ҳар йили ўтказилмоқда. У Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси туризм саноатининг энг ёрқин ва кўламдор воқеасидир.

2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 барабар ошган. Соҳа экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 миллиондан зиёд аҳоли саёҳат қилган. Самарқандда янги туризм маркази барпо этилгани натижасида у ерга қўшимча 2 миллион сайёҳ келган.

UNWTO маълумотларига кўра, Ўзбекистон дунёнинг туризм саноати энг тез ривожланаётган 20 мамлакати қаторидан жой олган. Шунингдек, Global Muslim Travel Index (GMT) нинг 2019 йилги рейтингига кўра Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган энг жозибадор мамлакатлар ўнлигига киради. Ушбу ўнликдан Саудия Арабистони, Туркия, Малайзия, Бирлашган Араб



Амирликлари ва Индонезия каби мамлакатлар ҳам ўрин олган. Бунга кўп жихатдан виза қонунчилигининг ўзгариши ёрдам берди. 2018 йилдан бошлаб, мамлакатнинг маданий, тарихий, диний ва маънавий мероси ҳамда анъаналарини ўрганишга қизиқувчи сайёҳлар учун кириш тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Чунончи 30 кун муддатга визасиз режим ўрнатилди.

Аслида мамлакатимизда туризм соҳасидаги салоҳият бундан анча юқори. Юртимизга келмоқчи бўлган сайёҳлар жуда кўп. Лекин, уларни қизиқтирадиган жойлар ҳақида контент кам, туристларни 4-5 кун олиб қоладиган дастурлар етишмайди. Самолёт ва поездга билетни бир неча ой олдиндан сотиб олишда ноаниқликлар кўп. Узоқ хорижликлар учун Ўзбекистоннинг дарвозаси бу – аэропорт. Сўнгги йилларда 5 та янги хусусий авиакомпания ташкил қилинди, авиация паркимиз 44 тага етди. Ўтган йили Самарқанд аэропорти “бешинчи осмон” режимида ишлашига ўтгани ҳисобига, ҳафталик авиақатновлар сони 46 тадан 78 тага, йўловчи оқими эса 6,5 мингдан 10 мингтага кўпайди.

Лекин, ички рейслар тақчиллиги ҳафтасига Нукус ва Урганчга 20 тани, Самарқандга 15 тани, Бухоро ва Термизга 11 тани ташкил қиляпти. Шу каби, темир йўлда ҳафтасига 68 та қўшимча қатновга, 350 та янги вагонга талаб бор. Қорақалпоғистон, Жиззах, Наманган ва Сурхондарёда сайёҳларга автобус етишмайди.

Шу боис йил якунигача яна 20 та замонавий самолёт олиб келиб, авиақатновларни кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилди. Жами маҳаллий рейслар сони 2 баравар кўпайтирилиб, 100 тага етказилиши, айрим йўналишлар бўйича авиачипта харажатининг бир қисмига субсидия берилиши кўзда тутилди. Шунингдек, бу йил 8 та электр поезд олиб келинади. Туроператор, меҳмонхона ва ташувчиларга 10 ва ундан ортиқ ўриндиқли автотранспортлар олиб киришда божхона имтиёзлари берилади. Қамчиқ довонида микроавтобус, Жиззах довони, Чимён ва Чорвоқда туристик автобус ва микроавтобуслар қатновига рухсат берилади.

Туризмда яна бир муҳим омил бу меҳмонхона. Бу борада кенг имконият яратилгани ҳисобига, сўнгги беш йилда меҳмонхона ўринлари 2 баравар ошиб, 60 мингтага етган. Давлатимиз раҳбари хорижий консалтинг компанияларни жалб қилиб, меҳмонхоналардаги шароитларни халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, улар учун қўшимча кредит ресурслари ажратишга юртимизда эътибор қаратилмоқда. Қайд этилганидек, хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонда бир кун кўпроқ қолиши йиллик туризм экспортини 300 миллион долларга оширади. Мисол учун, Хоразмда хорижий туристлар Бухоро ва Самарқандга қараганда 2 баравар кам бормоқда. Лекин, Хоразмда сайёҳларни 3-4 кун олиб қолиш учун барча имконият мавжуд. Юртимизда 31 та туман ва 143 та маҳалла туризмга ихтисослаштирилиб, уларда алоҳида солиқ режими жорий



қилинган эди. Ушбу маҳалланинг тарихи, ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумотлар мажмуини яратилмоқда. Бу



имтиёзлардан 4 мингга яқин корхона фойдаланиб, товар айланмаси 1,5 баравар ошган. Сайёҳларни кўпроқ вақт олиб қолишда етишмаётган нарса бу қизиқарли дастурлар ва тарғибот. Улар учун 31 та туман ва 143 та туризм. Улар асосида 12 та тилда туристик пакетлар ишлаб чиқилади. Туризм ва сервис объектлари ишчилари ўқитилади. Юртимизда туризм дастурлари асосан апрель-май ва сентябрь-октябрь ойларига мослашган. Лекин бу мавсумни узайтириш учун етарли имконият бор. Масалан, қишда Тошкент ва Жиззах вилоятларида чанғи, бошқа жойларда ёзда чўмилиш масканларини ташкил этиб, туристик мавсумга яна икки ой қўшиш мумкин. Шунингдек, ёзда 22 та қўриқхона, 24 та миллий табиат боғи ва табиат ёдгорликлари имкониятидан ҳам фойдаланса бўлади. Шу каби манбалар асосида, ёзги ва қишки мавсумларга мўлжалланган лойиҳалар ишлаб чиқиш, туристик мавсум бўлмаган кунларда сайёҳлар учун қизиқарли фестивал ва маданият тадбирлари ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Яна бир масала — мамлакатимизда 8 мингдан зиёд маданий мерос объектлари ва 122 та музей бор. Ёшлар учун адабиёт, тарих, география, тасвирий санъат каби фанларни ушбу масканларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг бой маданияти ва туристик салоҳиятини жаҳонга тарғиб қилишга доимо алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шу мақсадда маркетинг ва реклама билан сайёҳларни жалб қилиш учун 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. “Ўзбекистон ташриф қоғози”ни ишлаб чиқиб, туризм брендини янгилаш, халқаро телеканаллар ва интернет платформаларида Ўзбекистон ҳақидаги реклама роликларини кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди. Умуман, 7 миллион хорижий ва 15 миллион ички сайёҳларни жалб қилиш, соҳа экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш имконияти ўрганилмоқда.

**Китобхонларимиз учун мавзуга оид қуйидаги қўшимча
адабиётларни тавсия этамиз:**

РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган Давлат Дастури : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрель ПФ-№ 2286 сонли Фармони // Халқ сўзи. –1999. – 16 апр.
2. Туризм тўғрисида : Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги 549 – сон Қонуни // Халқ сўзи. – 2019. – 19 июл. – Б. 1-3.
3. Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январь ПФ - 5611-сонли Фармони // Халқ сўзи. – 2019. – 8 янв.
4. Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида :Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январь ПҚ-4095-сонли қарори // Халқ сўзи. – 2019. – 8 янв.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент : Ўзбекистон, 2019. – 64 б.
6. «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 360 – сонли 2004 йил 28 июлдаги Қарори // Халқ сўзи. – 2004. – 28 июль.

АДАБИЁТЛАР

7. O'zbekistonda turizm. – Toshkent : UZSTAT, 2020- 147 b. : jadval, diogramma. - 1000 ekz.

8. Ахсикент ёдгорлигини ўрганиш ва уни туризм манзилгоҳига айлантириш истиқболлари. – Наманган : Заковат, 2016. – 132 б.

ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИ

9. Андижоннинг диққатга сазовор 7 маскани : [миллий туризм] / Zor Тасвир. – 2020. – 17 сент. – Б. 16-17.

10. Самарқанд юраги-гўзал Регистон : [миллий туризм] / Zor Тасвир. – 2020. – 3 дек. – Б. 16-17.

11. Луқмонов, В. Янги Ўзбекистон – янгича туризм : [Бухоро туризми] / В. Луқмонов // Guliston. – 2020. – Б. 14-15.

12. Фаёзов, А. Туризм ривожланади, фаол сайёҳлар эса рағбатга лойиқ : [юртимизда туризм янги босқичда] / А. Фаёзов // Янги Ўзбекистон, 2021. – 11 февр. – Б.3.

13 А. Абдуҳакимов. Ўзбекистонда туризм салоҳияти / А. Абдуҳакимов // O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi. – 2021. – Б. 54-55.

14. Юртимизнинг туризм истиқболлари рамзи // Халқ сўзи. – 2022. – 25 авг. – Б. 1.

15. Туризм соҳасидаги улкан имкониятлар ва улардан фойдаланиш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди: [Президент раислигида видеоселектор йиғилиши] // Халқ сўзи. –2022. – 20 сент. – Б.1-11

16. Самарқанд янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси // Халқ сўзи. – 2022. – 12 окт. – Б.1.

16. Шарипов, К. Ўзбекистон туризм ривожига дунё даражасига чиқа олади / К. Шарипов // Халқ сўзи. – 2022. – 30 июнь.

17. Сайёҳлар талпинаётган воҳа қўҳна обидалар, мафтункор табиат, замонавий шароитлар // Янги Ўзбекистон . –2022. – 8 март – Б.6.

18. Назарова, Ў. Б. Ички туризм корхоналари фаолиятини бошқаришда туристик рискларни бошқариш / Ў. Б. Назарова // Машинасозлик илмий-техника журнали . – 2022. – Б. 283-293.

19. Очилов, Н. Бизда туризм қанча ривожланади / Н. Очилов // Жамият. – 2023. – 6 июль . – Б.8.

20. Хусанов, А. Туманнинг туризм салоҳияти бўйича таҳлилий маълумот : [Мингтепа – маданий мерос] / А. Хусанов // Оq oltin. – 2023. – 5 июль. – Б.3.

Тузувчи : Бош библиограф :
М. Мустакимова